

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

349 Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда
15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин
бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини
тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон қарорининг 6-бандига мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 24 август,
241-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 24 августдаги 241-сон қарорига
ИЛОВА

**Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилишда
15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган
товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари
РЎЙХАТИ***

Т/р	Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Аванс тўловлари миқдори	Изоҳ
1.	Электр энергияси	камида 30%	шартноманинг ойлик суммасидан
2.	Мазут ёқилғиси	30%	шартноманинг ойлик суммасидан
3.	Кўмир	30%	шартноманинг умумий суммасидан

Т/р	Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Аванс тўловлари миқдори	Изоҳ
4.	Пахта линти	30%	шартноманинг умумий суммасидан
5.	Геология-қидирув ишлари	30%	шартноманинг умумий суммасидан
6.	Автомобиль бензини	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
7.	Дизель ёнилғиси	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
8.	Авиация керосини	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
9.	Минерал ўғитлар	100%	шартноманинг умумий суммасидан
10.	Қора металллар прокати	100%	шартноманинг умумий суммасидан
11.	Авиа ва темир йўл чипталари	100%	чипталар нархидан, жумладан чипталарни банд қилиш ва хизмат кўрсатиш харажатларидан
12.	Барча турдаги шаҳар йўловчи транспорти йўл карточкалари	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
13.	Даврий босма нашрларга обуна бўлиш	100%	шартноманинг умумий суммасидан
14.	Кўриқлаш хизмати хизматлари	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
15.	Мобил алоқа ва телекоммуникация хизматлари	100%	шартноманинг ойлик суммасидан
16.	Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари	100%	шартноманинг умумий суммасидан
17.	Суғурта (ихтиёрий ва мажбурий)	100%	шартнома бўйича суғурта мукофоти суммасидан
18.	Давлат захираларидан харид қилинадиган товарлар	100%	шартноманинг умумий суммасидан
19.	Санаторийлар, дам олиш зоналари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар	100%	шартноманинг умумий суммасидан
20.	Импорт қилиниши қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат «Ўзмахсус-импекс» давлат корхонаси ваколатига кирадиган ҳарбий мақсадлардаги маҳсулотлар турлари	100%	шартноманинг умумий суммасидан

* Товарлар (ишлар, хизматлар)ни тузилган олди-сотди шартномалари бўйича биржа савдоларида сотиш олдиндан тўлиқ ҳақ тўлаш ёки чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шартларида амалга оширилади.